


Дин насиҳатдир



20:12 / 09.11.2017 5467

Тамим Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дин насиҳатдир», дедилар.

«Ким учун?» дедик.

«Аллоҳ учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг Расули учун ва муслмонларнинг имомлари ҳамда оммалари учун», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Имом Муслим ушбу ҳадиси шарифни биз келтирган санаддан бошқа санадлари билан ҳам келтирган. Имом Термизий ҳам ушбу тариқа ривоят қилган. Уламолардан бу ҳадисни икки тарафлама саҳиҳ деганлари ҳам мавжуд. Уни Ибн Умар, Савбон, Ибн Аббос ва улардан бошқалардан ривоят қилган муҳаддислар ҳам бор.

Имом Абу Довуд ушбу ҳадисни «фиқҳ илмининг айланадиган ўқи» дея таърифлаган.

Ҳофиз Абу Нуъайм: «Бу ҳадиснинг шаъни буюқдир», деган.

Муҳаммад ибн Аслам Тусий: «Бу ҳадис диннинг тўртдан биридир», деган.

Имом Нававий «Саҳиҳи Муслим»га ёзган шарҳида мазкур ҳадис ҳақида сўз юритар экан, «Аммо уламолар жамоасининг «Ушбу ҳадис Ислом ишларини жамловчи тўрт ҳадиснинг биридир», дейишлари тўғри эмас. Ислом мадорининг барчаси мана шу ҳадисдир», деган.

«Насиҳат» сўзининг маъноси ва таърифи

Ушбу ҳадисда комил иймон учун зарур бўлган нарсалар ҳақида сўз кетмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар ҳузурида сўзлаб: «**Дин насихатдир**», дедилар.

«Насиҳат» сўзининг луғавий маъноси.

«Насиҳат» сўзи луғатда «холис», «покиза», «содиқ» ва «ихлос» деган маъноларни билдиради. Аслида «насаҳа» феълининг ўзаги икки нарсанинг орасини тўлдириш ва ислоҳ қилиш – тузатиш маъносини ифода қилади.

«Мавсуъатул ахлоқи ваз-зуҳди вар-рақоиқи» номли китобда «насиҳат» сўзининг луғатдаги маънолари ҳақида жумладан қуйидагилар келтирилган: «Тавбаси насух бўлди» дегани гуноҳдан қайтишга қилган азму қарори нуқсондан халос бўлди деганидир. «Қалби насух бўлди» дегани алдамчиликдан холи бўлди деганидир. «Фалончининг дўстлиги ёки маслаҳати насух бўлди» дегани ихлосли, холис бўлди, деганидир. «Фалончига насихат қилди» ёки «Фалончи учун насихат қилди», дегани уни ўзига фойдаси бор нарсага йўллади, деганидир. Насх – ихлос билан, самимий, холисона маслаҳат беришдир. Насиҳат – яхшилиги бор нарсага чақириш ва ёмонлиги бор нарсадан қайтаришдир».

Урфда эса насихат деб бир кишининг бошқасига холис ният, содиқлик билан турли яхшиликларни ирода қилиши, яхши йўл-йўриқларни айтиши, унинг ҳаққини яхши йўл билан адо этишга уринишига айтилади.

«Насиҳат» сўзининг асл маъноси ҳақида икки хил қавл бор:

Биринчиси – «кийим тикиш» дегани. Бундан насихат қилувчи насихат қилинувчига ўз насихати ила маънавий кийим тикиб бергандек, кийимида йиртиғи бўлса, уни ямаб бергандек бўлади, деган маъно келиб чиқади. Кийим эса ўз эгасини иссиқдан, совуқдан сақлайди, айбини беркитади, зийнатлаб кўрсатади, чанг юқтирмайди ва шунга ўхшаш кўплаб фойдалар

келтиради. Насиҳат ҳам маънавий жиҳатдан шу каби фойдалар келтиради.

«Насиҳат» сўзининг иккинчи маъноси «асални мумдан тозалаш» маъносидир. Насиҳат қилувчи ҳар хил алдов, хиралик ва кин-кудуратдан холи гапни айтгани учун шундай дейлади. У тоза ва мусаффо асалдек гапни айтган, ишни қилган, холислик билан, покиза қалб билан самимий иш юритган бўлади. Бу эса насихат қилинувчи учун ўта фойдали нарса бўлади.

Шунингдек, «насиҳат» сўзида ихлос, садоқат, машварат ва амал маънолари ҳам бор.

«Насиҳат» уламолар истилоҳида.

Ибн Асир: «Насиҳат жамловчи сўз бўлиб, насихат қилинувчига яхшилиқни ирода қилишдан иборатдир», деган.

Журжоний: «Насиҳат яхшилиги бор нарсага чақириш ва ёмонлиги бор нарсадан қайтаришдан иборатдир», деган.

Кафавий: «Насиҳат жамловчи калимадир. Маъноси – насихат қилинувчига яхши насибани тилашдир», деган.

Мозаний шундай дейди: «Насиҳат» сўзи «асални насх қилдим»дан олинган бўлиб, «уни мусаффо қилдим» деган маънони англатади. Бир нарса насух бўлди, дегани холис бўлди, деганидир. Сўзни насух қилди, дегани унга ихлос билан сўзлади, деганидир. «Насуха»нинг иккинчи маъноси игна билан тикишдир. Араблар игнани «мансаҳа» деб ҳам атайдилар. Бунда худди игна билан тикиб, кийимнинг камчилиги тuzатилгани каби, биродарининг камчилигини насихат билан тuzатди, деган маъно бор. Шу маънода «насух тавба» дегани гуноҳ динни йиртади, тавба эса уни тикиб, ямайди, деган маънони билдиради».

Амр ибн Салоҳ: «Насиҳат жамловчи калима бўлиб, насихатчининг насихат қилинувчига барча яхшиликларни ирода қилишини ва бунинг учун амал ҳам қилишини ифода этади», деган.

«Насиҳат» лафзининг маъносини, унинг аҳамиятини яхшироқ англаб олиш учун у ҳақда келган баъзи ояти карималар ва ҳадиси шарифлар билан танишиб олсак, яхши бўлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Дин насиҳатдир китобидан)